

Неъматов Ойбек Исматуллаевич

**Бухгалтерия ҳисоби ва аудит кафедраси ассистенти
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти**

**НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИ МУЛКИЙ ВА
МОЛИЯВИЙ ҲОЛАТИ АУДИТОРЛИК ТАҲЛИЛИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

Аннотация: Мазкур мақолада нодавлат нотижорат ташкилот (ННТ)лар мулки ва молиявий ҳолати аудиторлик таҳлили келтирилган.

Калит сўзлар: активлар, мажбурият, хусусий капитал, мақсадли тушум, самарадорлик, аудит, таҳлил.

Nematov Oybek Ismatullayevich

**Assistant of the Department of Accounting and Auditing
Samarkand Institute of Economics and Service**

**IMPROVING THE AUDIT ANALYSIS OF THE PROPERTY AND
FINANCIAL STATUS OF NON-GOVERNMENTAL ORGANIZATIONS**

Abstract: This article provides an audit analysis of the property and financial condition of non-governmental non-profit organizations (NGOs).

Keywords: assets, liabilities, equity, target revenue, efficiency, audit, analysis.

Нодавлат нотижорат ташкилотлар (ННТ) мулки узоқ муддатли ва қисқа муддатли активлардан, ташкил топиш манбаларига кўра эса ўз маблағлари ва мажбуриятлардан ташкил топади.

ННТларнинг узоқ муддатли активларига қуйидагилар киради:

- асосий воситалар;
- номоддий активлар;
- молиявий инвестициялар;
- ўрнатилмаган жиҳозлар;
- капитал инвестициялар;
- узоқ муддатли дебиторлик қарзлар ва кечиктирилган харажатлар.

Аудиторлик текширувларида узоқ муддатли активларнинг ушбу турларининг ҳолати ва ҳаракати ҳужжатли асосда текшириб чиқилади. Текширув натижасида уларнинг ҳақиқатда мавжудлиги, ҳисоб ва ҳисобот маълумотларининг реаллиги тасдиқланади.

Асосий воситалар ва номоддий активлар бўйича улар эскиришини тўғри ҳисобланганлиги, яроқлилиги ва эскириш даражаларига баҳо берилади.

Молиявий инвестициялар бўйича уларнинг самара бераётганлиги ёки самарасизлиги аниқланади.

Тугалланмаган капитал инвестициялар ва уларнинг капиталлашган суммалари, қолдиғи гувоҳлик берувчи ҳужжатлар асосида текширилади.

ННТларининг ТМБларига қуйидагилар киради:

- хом ашё ва материаллар;
- товарлар.

Аудиторлик текширувларида ТМБларнинг ушбу турларининг ҳолати ва ҳаракати ҳужжатли асосда текшириб чиқилади. Текширув натижасида уларнинг ҳақиқатда мавжудлиги, ҳисоб ва ҳисобот маълумотларининг реаллиги тасдиқланади. ТМБлар бўйича уларнинг яроқлилиги, сифатли сақланиши, ҳисобдан чиқаришнинг меъёрдан паст ёки юқори эканлиги, ўғрилиқ ҳолатларига баҳо берилади. ТМБ ҳаққоний ҳолатини билиш учун уларнинг инвентаризацияси ўтказилади. Улар бўйича ҳисоб ва ҳисобот маълумотларининг реаллигига баҳо берилади, мавжуд камчиликлар очиб берилади ва уларни тузатишга оид тавсиялар ишлаб чиқилади.

ННТларда гуманитар ёрдам ёки мақсадли тушум сифатида келиб тушган товарлар кирими ва чиқими ҳисобини тўғри юритилиши ўта муҳимдир. Бу, айниқса, гуманитар ёрдам сифатида келиб тушган доридармон воситаларига, моддий ёрдам сифатида тарқатиладиган чорва моллари, турли кийим-кечаклар, кўрпа-тўшаклар, маданий-маиший товарлар, шунингдек маҳаллаларга бепул тарқатиладиган мебель, компьютерлар, транспорт воситалари ва бошқаларга тегишлидир. ННТларга мақсадли ишлатиш учун келиб тушган ушбу товар-моддий бойликлар уларда 2900 «Товарлар» счётида ҳисобга олинishi лозим. Товарларнинг келиб тушиши ушбу счётнинг дебетида, сарфланиши эса унинг кредитида акс эттирилиши керак. Аудиторлик текширувларида товарларнинг кирими ва чиқими, ҳисобдан чиқарилишининг реаллиги ва қонунийлиги уларга гувоҳлик берувчи ҳужжатларнинг мавжудлиги билан тасдиқланади. Бундай ҳужжатлар бўлиб, ННТда моддий ёрдам кўрсатиш, рағбатлантириш тўғрисида тегишли қарорлар, товарларни тегишли шахсларга ҳақиқатда берилганлигини тасдиқловчи бошланғич ҳужжатлар (счёт-фактуралар, накладнойлар, далолатномалар ва бошқалар) ҳисобланади. Аудиторлар тузилган ҳужжатларнинг сохта ёки қалбаки эмаслигига шахсан иқроор бўлишлари лозим. Бунинг учун тарқатилган товарларни ҳақиқатда олинганлигини анкета ёки оғзаки сўровнома асосида текшириб кўриш фойдадан холи бўлмайди.

ННТларнинг пул маблағларига қуйидагилар киради:

- кассадаги пул маблағлари;
- банкдаги ҳисоб-китоб, валюта ва махсус счётдаги пул маблағлари;
- йўлдаги пул маблағлари.

Пул маблағлари аудитининг бир қатор хусусиятлари мавжуд. Чунончи:

- * улар танлаб текширилмайди, балки ёппасига текширилиши лозим;
- * аудит текширувида валюта маблағлари ҳам хорижий валютада, ҳам миллий валютада тўғри ҳисобга олинганлиги текширилади;
- * нақд пул маблағлари чиқими уларнинг ишлатилиш мақсадларига мувофиқлиги бўйича текширилади;

* касса хўжалиги ва касса операцияларини белгиланган Қоидаларга мувофиқлигига баҳо берилади;

* нақдсиз пул операциялари бўйича уларга доир Низомга амал қилинганликка баҳо берилади;

* валюта маблағлари бўйича курс фарқлари аниқланади;

* ҳисоб ва ҳисобот маълумотларини банк кўчирмаларига мос келиш ёки келмаслигига иқдор бўлиш зарурат ҳисобланади;

* кассадаги пул маблағлари инвентаризация қилинади;

* моддий жавобгарлик тўғрисида шартномаларнинг мавжудлиги ва уларга амал қилинганлигига баҳо берилади;

* пул маблағлари бўйича айниқса камомадлар, ўғирлик ҳолатлари, катта миқдордаги чиқимлар обдон текширилади;

Пул маблағлари уларнинг турлари ва турган жойлари бўйича аудиторлик ҳисоботида батафсил ёритилиши лозим.

Дебиторлик ва кредиторлик қарзлар ННТларда уларнинг нақдсиз ҳисоб-китоблар асосида бошқа юридик ва жисмоний шахслар билан молиявий муносабатларида вужудга келади. Ушбу қарзлар, мос равишда, балансда активлар ва активларни ташкил топиш манбалари сифатида акс эттирилади. Аудиторларнинг асосий вазифаси дебиторлик ва кредиторлик қарзларнинг ҳисоб ва ҳисоботда реал акс эттирилганлигини аниқлаш ҳисобланади. Шунингдек, уларнинг муддатидан ўтганлиги ёки муддати ўтмаганлигини, корхонада ушбу қарзларни асоссиз кўпайиб кетишига йўл қўймаслик бўйича амалга оширилаётган тадбирларга баҳо берилади.

Дебиторлик ва кредиторлик қарзларни текшириш активларни сотиб олиш, мажбуриятларни ҳисоблаш ва тўловларни ўтказиб беришга гувоҳлик берувчи ҳужжатлар асосида амалга оширилади. Бундай текширувлар ҳар бир дебиторлар ва кредиторлар бўйича ёппасига ёки танлаб ўтказилади.

Бугунги кунда аудиторлик ташкилоти томонидан нодавлат нотижорат ташкилотлар самарадорлигини аудиторлик таҳлилидан ўтказиш муҳим аҳамиятга эга. Соҳага доир адабиётларда хўжалик юритувчи субъектларнинг самарадорлигини таҳлил қилишнинг методологик асослари ишлаб чиқилган. Лекин, бугунги кунда ННТлар фаолиятини иқтисодий самарадорлигини таҳлил қилиш масалалари иқтисодий адабиётларда ёритилмаган. Шу боис, ННТлар фаолиятининг самарадорлик кўрсаткичларини тавсифлайдиган кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқиш ва асосида аудиторлик хулосаларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади. Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолияти самарадорлигини ҳисоблаш учун қуйидаги кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз (1-жадвалга қarang):

Самарадорликнинг асосий калитли кўрсаткичлари ва уларни ҳисоблаш тартиби¹

Кўрсаткичлар	Кўрсаткичларни ҳисоблаш тартиби	Кўрсаткичлар миқдори
1.Хусусий маблағлари манбаларини шакллантиришга йўналтирилган маблағлар	Тушумлар - Харажатлар	$480500 - 375000 = 10550$
2.Харажатлар ва тушумлар нисбати	Харажатлар / Тушумлар	$375000/480500 = 78,1\%$
3. Жалб қилинган капитал рентабеллиги	Устав фондига йўналтирилган маблағлар / (узоқ муддатли активлар + жорий активлар – жорий мажбуриятлар)	$10550 / (1200400+280000-320000) = 10550/1160400 = 0,91\%$
4.Активлар рентабеллиги	Устав фондига йўналтирилган маблағлар / активларнинг ўртача арифметик қиймати	$10550 / 1320000 = 0,79 \%$
5.Қоплаш коэффиценти (тўлов қобилияти)	Жорий активлар / Жорий мажбуриятлар	$280000/320000 = 87,5\%$
6.Ликвидлик коэффиценти	Жорий активлар (заҳиралардан ташқари) / жорий мажбуриятлар	$220000/320000 = 68,8\%$
7.Пул оқими ликвидлиги коэффиценти	(Сотишга қобилиятли қимматли қоғозлар + операцион фаолиятдан олинган соф пул) / жорий мажбуриятлар	$420000 / 320000 = 1,31$
8.Молиявий мустақиллик коэффиценти	Устав фондига йўналтирилган маблағлар / Жами қарзлар	$10550 / 385000 = 2,74\%$
9.Кредиторлик қарзларининг кун ҳисобида айланиши	Кредиторлик қарзлари х Даврда календар кунлар сони / Харидлар	$264000 \times 365 / 580000 = 166\text{кун}$
10.Дебиторлик қарзларининг кун ҳисобида айланиши	Даврда календарь кунлар сони / (Олинадиган счотларнинг дебет обороти / дебиторлик қарзларининг ўртача арифметик	$365/ (420800/320000) = 277 \text{ кун}$

¹ Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Самарқанд вилоят Кенгашининг 2019 йил маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси

	қиймати)	
11. Тадбиркорликдан олинган фойданинг умумий тушумлардаги хиссаси	Тадабиркорликдан олинган фойда / умумий тушумлар	34500/480500 =7,2%

Ушбу таклиф қилинган кўрсаткичлар тизими бир қанча хусусиятларга эга. **Биринчи кўрсаткич**, ННТларда келган тушумлардан дастурлар, лойиҳалар ва тадабирлар бўйича харажатлар чегириладиган бўлса бу қолган қисми устав фондини шакллантиришга йўналтирилган маблағи бўлади. Бу маблағларнинг қанча суммаси доимий фонд (соф активлар)ни шакллантиришга йўналтирилганлигини англатади. **Иккинчи кўрсаткич**, тушумларнинг қанча фоизи харажатларга сарфланаётганлигини тавсифлайди. **Учинчи кўрсаткич**, жалб қилинган капитал рентабеллигини тавсифлайди. Агар (узок муддатли активлар + жорий активлар – жорий мажбуриятлар) = устав фонди + узок муддатли мажбуриятлар) тенглик бўладиган бўлса, бу жалб қилинган капитални беради. Бу кўрсаткич жалб қилинган капиталнинг 1 п.б. га қанча устав фондига йўналтирилган маблағ тўғри келаётганлигини англатади. **Тўртинчи кўрсаткич**, активларнинг рентабеллигини кўрсатиб, 1 п.б даги активларга қанча устав фондига йўналтирилган маблағлар тўғри келаётганлигини тавсифлайди. **Бешинчи кўрсаткич**, қоплаш даражасини англатиб, агарда жорий активлар жорий мажбуриятларни қоплашга йўналтирилса, уни қанча марта қоплай олишини тавсифлайди. **Олтинчи кўрсаткич**, ликвидлик коэффиценти бўлиб, агар жорий активлардан захираларни чегириб ташлаганимиздан кейинги жорий активлар жорий мажбуриятларни қанча даражада қоплашини англатади. **Еттинчи кўрсаткич**, компаниянинг ликвидлик даражасини баҳолашда пул оқими ликвидлиги коэффиценти даражасини баҳолайди, яъни қимматли қоғозлар ва операцион фаолиятнинг соф пул оқими жорий мажбуриятларни қанча даражада қоплашини англатади. **Саккизинчи кўрсаткич**, молиявий мустақиллик коэффиценти фақат жорий мажбуриятларга нисбатан эмас, балки жами қарзларга нисбатан ҳисоблаш тавсия этилди ва уставга йўналтирилган маблағлар жорий мажбуриятларни қанча даражада қоплашини тавсифлайди. **Тўққизинчи кўрсаткич**, кредиторлик қарзларининг кун ҳисобида айланиши (Creditors ratio) харидлар ҳисобидан юз беришини инобатга олиб, ушбу кўрсаткичга нисбатан ҳисобланиши таклиф этилди. **Ўнинчи кўрсаткич**, дебиторлик қарзларининг кун ҳисобида айланишини ҳисоблашда олинадиган сўтларнинг дебет обороти олиниши таклиф этилди. Бу ҳисобот даврида дебиторлик қарзлари нечи кунда бир марта айланишини тавсифлайди. **Ўн биринчи кўрсаткич**, ННТларнинг тадабиркорлик фаолиятдан олган фойдасининг умумий тушумдаги хиссасини тавсифлайди.

Агарда таклиф қилинган кўрсаткичлар жорий этилса, нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолияти самарадорлигини баҳолашда энг объектив хулосаларга келиш мумкин.

Нодавлат нотижорат фаолиятининг мулкӣ ва молиявий ҳолати аудиторлик таҳлили бўйича ННТлар фаолиятининг самарадорлик кўрсаткичлари ва уларни ҳисоблаш тартиби таклиф этилди. Ушбу таклиф этилган кўрсаткичлар яхлит ҳолатда ўрганилганда ННТлар фаолиятининг самарадорлигини объектив баҳолаш, ахборот фойдаланувчилар томонидан объектив қарорлар қабул қилишларига асос бўлади, деб ҳисоблаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни. 2016 йил 13 апрель, № ЎРҚ-404.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуни. 2000 йил 26 май. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2017 й., 16-сон, 265-модда.
3. Ўзбекистон Республикаси «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Қонуни, 1999 йил 14-апрель, 763-І-сон. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 й., 5-сон, 115-модда.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Қарори. 2020 йил 24 февраль. ПҚ-4611-сон.
5. 3-сон АФМС «Аудитни режалаштириш». //АВ томонидан 10.11.1999 й. 837-сон билан давлат рўйхатга олинган.
6. 12-сон АФМС «Аудиторлик текширувлари жараёнида бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимини баҳолаш». //АВ 12.04.2007 й. 1673-сон билан рўйхатга олинган.
7. 25. 13-сон АФМС «Таҳлилий амаллар». //АВ томонидан 03.09.1999 й. 814-сон билан рўйхатга олинган.
8. Дусмуратов Р.Д. Ўзбекистонда аудиторлик фаолиятини шаклланиши ва унинг услубиётини такомиллаштириш. и.ф.д. ... дис. автореф. – Т.: 2008 – 42 б.
9. Егорова Л.В. Учет и аудит в некоммерческих организациях: теория, методология и практика. Автореферат дисс. д.э.н. Ростов-на-Дону, 2008.
10. Неъматов О.И. Нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган хизматларнинг аудит объекти сифатидаги хусусиятлари. //Иқтисодиёт ва таълим. – Тошкент, 2016. - №6.
11. Пардаев М.К., Абдукаримов И.Т., Исроилов Ж.И., Исроилов Б.И. Корхоналарда молиявий ҳисоботлар таҳлили. Ўқув қўлланма. –Т.: Солик Академияси, 2009. -76 б.